



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ (ICBC БАНК МИСОЛИДА)

Бердиев Тоштемур

Тошкент Кимё ҳалқаро Университети докторанти, PhD

Ёзишмалар учун электрон почта: toshtemir.berdiev82@mail.ru

Мақола ҳақида маълумот

Топширилган вақти: 01.06.2024

Қабул қилинган вақти: 15.07.2024

Таянч сўз ва иборалар:

*Хусусийлаштириш, рақобат,
акциядорлаштириш,
трансформация, инвестиция,
стратегик инвесторлар,
муаммоли активлар,
диверсификация, риск менежмент,
самарадорлик, даромадлилик.*

Аннотация

Мақолада нафақат Хитой Республикасининг балки Жаҳон банк тизимининг энг йирик қатнашчиларидан бири ICBC банкнинг хусусийлаштириш жараёнинг тўлиқ цикли: хусусийлаштириш бўйича қарор қабул қилиниш жараёни, хусусийлаштиришга тайёргарлик бўлмиш трансформация жараёни ва жаҳоннинг йирик биржаларида листинг қилиш орқали хусусийлаштириш жараёни ёритиб берилган. Хусусийлаштиришнинг банк фаолиятидаги таъсирини баҳолаш мақсадида банкнинг хусусийлаштиришдан кейинги беш йил ичидаги фаолият кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Шунингдек, ICBC банкнинг хусусийлаштириш жараёни натижалари бўйича республикада давлат улуши иштирокидаги банкларни хусусийлаштириш жараёнидада қўллаш мумкин бўлган тавсиялар берилган.

PRIVATIZATION OF COMMERCIAL BANKS IN ASIAN COUNTRIES (IN CASE OF ICBC BANK)

Berdiyev Toshtemir

Doctoral student of Tashkent International University of Chemistry, PhD

Corresponding author email: toshtemir.berdiev82@mail.ru

ARTICLE INFO

Received: 01.06.2024

Accepted: 15.07.2024

Key words: *Privatization, competition, corporatization, transformation, investments, strategic investors, distressed assets, diversification, risk management, efficiency, profitability.*

Abstract

The article describes the full cycle of the privatization process of ICBC Bank, one of the largest participants not only in the banking system of the Republic of China, but also in the World Banking system: the decision-making process on privatization, the transformation process, which was preparation for privatization, as well as the privatization process through listing on the world's largest stock exchanges. To assess the impact of privatization on banking activities, banking performance indicators for five years after privatization were analyzed. Also, based on the results of the privatization process of ICBC Bank, recommendations were given that can be used in the process of privatization of state-owned banks in our republic.

Кириш

Хитой халқ республикасининг Жаҳон Савдо Ташкилотига кириши олдидан учраши мумкин бўлган энг катта муаммолардан бири бу Хитой банкларини

хусусийлаштиришга ва жаҳон банклари билан рақобатлаша олишга тайёрлай олиш бўлди. Ҳукумат томонидан 2000-йиллар бошларида йирик банкларни хусусийлаштириш жараёнига тайёргарлик трансформация жараёни мувофақиятли амалга

оширилди. Молиявий ислохотларнинг амалга оширилиши ва банк секторининг трансформация қилиниши асосида ўтказилган қисман хусусийлаштириш жараёни, банкларнинг мулкчилик таркибидаги ўзгаришлар уларнинг фаолиятига бевосита таъсирини ўрганиш мақсадида нафақат Хитойнинг балки жаҳон банк тизимининг энг йирик иштирокчиси Хитой саноат ва тижорат банки (ICBC) фаолиятига тўхталишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар шарҳи

Иқтисодий адабиётларда ва муаллифларнинг илмий ишларида давлат улуши мавжуд банкларни хусусийлаштириш жараёнинг муҳимлигига турлича ёндашилган. Болгария, Чехия, Хорватия, Венгрия, Полша ва Руминия каби ўтиш иқтисодиёти давридаги мамлакатларда банкларни хусусийлаштиришнинг тизимга таъсирини ўрганган Америкалик олимлар John Bonin, Iftekhar Hasan, Paul Wachtel банкларни хусусийлаштириш ҳақида қуйидагича фикрларни билдирдилар. Хусусийлаштирилган банклар ўз мижозларини сақлаб қолган ҳолда давлат банкларига нисбатан кўпроқ депозитлар жалб қилишади, самаралироқ кредит беришади ва хусусийлаштиришдан кейин кўпроқ даромад олишга эътибор қаратишади [1].

Олимлар банк тизимида хусусийлаштириш деб банклар капиталлашувининг яхшилашини кўрсатганлар. Россия Федерацияси «Иқтисодиёт олий мактаби» миллий тадқиқот университети профессори В.Солодков ўз тадқиқотларида давлат банкларини хусусийлаштириш муҳимлиги таъкидлайди. Унинг фикрига кўра иккита қарама-қарши қараш мавжуд. Биринчиси, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда давлат банкларининг муҳим ролига қаратилган. Иккинчиси, аксинча, бу банкларда кўпроқ ижтимоий мақсадларни рағбатлантириш алоҳида ўрин беради. Бу ҳолат бозор иқтисодиёти тамойилларига зид. Бу давлат банкларида агентлик харажатларининг ошишига олиб келади, бу эса операцион самарадорлик ва молиявий воситачи сифатининг пасайишига сабаб бўлади, банк соҳасида рақобат даражасини сезиларли даражада чеклайди. Давлат улушини камайтириб уларни хусусийлаштириш иқтисодиёт учун жуда долзарбдир [2]. Олимнинг фикрини давом эттириб шуни айтиш лозимки, хусусийлаштириш банк тизимида рақобатни кучатиради. В.Виноградов банк тизимида хусусийлаштириш зуруриятини шундай изоҳлайди: банк тизимида давлат улушининг жуда юқори бўлиши, банк секторининг тез ривожланишига имкон бермайди ва қулай бозор шароитларини шакллантиришга тўсқинлик қилади, бунинг натижасида аҳоли ва бизнес учун банк хизматлари нархининг ошишига олиб келади [3]. Олим хусусийлаштириш рақобатга асос бўлади ва ўз-ўзидан банк хизматларини оммабоплигини оширади деган ғояни илгари сўради. Ш.Бозоров мамлакат банк тизимида хусусийлаштириш зарурияти ҳақида тўхталиб, қуйидагича изоҳ беради. Ўзбекистон

шароитида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг банк секторидаги салбий таъсирини бартараф этиш, фақат мамлакатнинг барча тижорат банкларидаги давлат улушлари тўлиқ хусусийлаштириш орқали амалга ошириш мумкин [4]. Олим мамлакатимиз банк тизимини бугунги кундаги долзарб муаммосини хусусийлаштириш орқали бартараф этиш мумкинлиги таъкидлайди.

Тадқиқот методологияси

Илмий тадқиқотни амалга оширишда илмий абстракция, қиёсий ва таркибий таҳлил, иқтисодий-статистик ва эксперт баҳолаш усуллари, шунингдек тижорат банкининг молиявий ҳисоботидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

ICBC—Хитой ва дунёдаги энг йирик тижорат банки бўлиб, Хитойнинг йирик тўртлик давлат банкларидан бири (Bank of China, Agricultural Bank of China ва China Construction Bank) ҳисобланади. 2023 йил охирида ICBC 700 миллиондан ортиқ фаол жисмоний мижозларга ва 10 миллион фаол корпоратив мижозларга эга. Банк активлари бўйича дунёдаги энг йирик банклар орасида 1 ўрин (6 116 млрд АҚШ доллари), ўз маблағлари бўйича 1 ўрин (443,9 млрд АҚШ доллари), даромади бўйича 1 ўрин (216,8 млрд АҚШ доллари), соф фойдаси бўйича 1 ўрин (52,5 млрд АҚШ доллари), шунингдек ходимлар сони бўйича 2 ўринни (439 787) эгаллаб келмоқда [5].

Ўтган асрнинг 80 йилларида Хитойда молия тизимини ислоҳ қилиш бошланди. Хитой Халқ банки бир вақтнинг ўзида пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқарувчи ва тижорат фаолияти билан шуғулланадиган қарама-қаршилиқни бартараф этиш учун 1983 йил сентябр ойида Халқ банки фақат марказий банк ролини ўйнаши, унинг тижорат фаолиятини амалга ошириш учун Хитойнинг саноат ва тижорат банки (ICBC) ташкил этилишини расман эълон қилинди. Барча тайёргарликдан сўнг, Хитойнинг саноат ва тижорат банки 1984 йил 1 январда расман рўйхатга олинди. 1994 йилдан 2004 йилгача ICBC нинг трансформация жараёни бўлди. Мослашиш ва ривожланиш, ихтисослашган давлат банкдан тижорат банккага ўтиш даврини бошидан ўтказди.

Банк таркибида фонд биржаларга чиқишларини тайёрлашга маъсул бўлган махсус таркибий бўлинмаларни ташкил этилиб, бўлинма олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

- банкни акциядорлаштиришга тайёрлаш;
- банкларнинг капитал етарлилик даражасини яхшилаш мақсадида субардинар облигациялар чиқаришга тайёргарлик кўриш;
- муаммоли активларни қайтадан таснифлаш ва уларни мустақил бошқарувчи компанияларга бериш орқали банк портфелини соғломлаштириш жараёнини бошқариш;
- хорижий стратегик инвесторларни тўғридан-тўғри сотилишга тайргарлик кўриш;
- махаллий ва хорижий биржаларда IPOга

чиқишини таъминлаш.

Мамлакат Жаҳон Савдо Ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлганидан кейин юзага келган муаммолар ва қийинчиликларга мослашиш учун ICBC 2002 йилдан бошлаб банкни акциядорлаштириш ислохотларини амалга ошириш учун кенг қамровли тайёргарлик кўрди. 2003-йил сентябр ойида Давлат Кенгаши қошида давлат тижорат банкларининг устав капиталини ислох қилиш бўйича тажриба-синов ишларини олиб бориш учун етакчи гуруҳ ташкил этилди. Октябр ойида ХКП Марказий Комитетнинг учинчи Пленуми «Социалистик бозор иқтисодий тизимини такомиллаштиришнинг баъзи масалалари бўйича ХКП Марказий Қўмитасининг қарори» ни қабул қилди, унда акциядорлик жамиятига айлантирилиши, муаммоли активларни тугатишни тезлаштириш ва капитал етарлигини ошириш, акцияларни листинг учун шароит яратиш зарурати бўлган давлат тижорат банкларини рўйхати белгиланди. 2005 йил 18 апрелда ойида ҳукумат ICBC ни акциядорлаштириш режасини расман тасдиқлади ва шунга мувофиқ ICBC молиявий қайта тузилиши бошланди. ICBC акциядорлик жамиятини ислох қилиш бўйича ишлар расман бошланди ва молиявий қайта қуриш мазмунли босқичга кирди. ICBC молиявий трансформацияси капитал даражасини ошириш ва муаммоли активларни сотишни ўз ичига олди. Капитал даражасини оширишда давлат томонидан банк уставига капитал киритиш ва субординациялашган қарзларни чиқариш каби инструментлардан фойдаланилди. 21 апрел куни давлат валюта захираларидан Central Huijin Investment Co., Ltd. орқали ICBC уставига 15 миллиард АҚШ доллари (124 миллиард юан эквиваленти) сармоя йўналтирди. Шу билан бирга, Молия вазирлигининг ICBC капиталидаги 124 миллиард юанлик бошланғич капитални сақлаб қолинди, натижада ICBC асосий капитали 248 миллиард юанга ва асосий капиталнинг этарлилик коэффициенти 6 фоизга ошди. Капитал таркибини янада такомиллаштириш ва капиталнинг етарлилик коэффициенти яхшилаш мақсадида август ойида банк 35 миллиард юан миқдоридаги субординацияланган облигациялар траншини муваффақиятли чиқарди. Банк Huarong Asset Management Company компаниясига жами 246 миллиард юан муаммоли активларини ва 459 миллиард шубҳали кредитларини сотди[6]. Расман Хитой саноат-тижорат банки Co., Ltd ташкил этилганда, банкнинг устав капитали 334 млрд юанни ташкил қилиб, ҳар бири 1 юанна бўлган 250,962 миллион дона А типдаги ва 83,057 миллион дона Н типдаги акциялардан иборат бўлди. Маҳаллий ва хорижий стратегик инвесторларни жалб қилиш, мулкчилик тузилмасини диверсификация қилишга, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш банк мулкчилик ислохотидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Банк акцияларини тўғридан-тўғри хорижий инвесторларга сотилиш жараёни амалга оширилди. Мулкчилик ислохоти бошқармаси бошчилигида стратегик инвестициялар бўйича ишчи гуруҳ тузилди, катта ҳажмдаги дастлабки тайёргарлик ишларини олиб борилиб стратегик инвесторлар билан кенг

доирадаги алоқаларни ўрнатилди. Натижада, 2005 йил Bank of America Хитой қурилиш банки акцияларининг 9 фоизи улушини 2,5 миллиард долларга сотиб олди[7]. 2006 йил 27 январда банк ва Goldman Sachs Group инвестиция гуруҳи Пекинда стратегик ҳамкорлик шартномасини муваффақиятли имзоладилар. Шартномага кўра, Goldman Sachs Group инвестиция гуруҳи 3,78 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя киритиши белгиланди[8].

2006 йилнинг март ойидан октябригача банк акцияларини IPO олдида дастлабки тайёргарликларни олиб борди. 22 март куни листинг лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ йиғилиши бўлиб ўтиб, бу эмиссия ва листингга тайёргарликнинг расмий бошланишини белгиланди. IPO жойлаштириш ташкилотчилари глобал инвестиция банклари - Credit Suisse, Deutsche Bank, Merrill Lynch, ICEA,, шунингдек China International Capital Corp. бошчилигидаги Хитой молия институтлари консорсиуми белгиланди. Фонд биржаси сифатида Гонконг ва Шанхай биржалари танланди. Июль ойининг ўрталаридан бошлаб, банкнинг А ва Н типдаги акцияларини бир вақтнинг ўзида чиқариш ва рўйхатга олиш режаси тасдиқлаш жараёнига кирди. Жами 13 миллиард дона акция чиқарилиши ва қайта тақсимлаш опционлари амалга оширилгунга қадар А ва Н турдаги акцияларининг умумий қиймати 327 821 930 026 юанни ташкил этиши белгиланди[9].

Сентябр ойида келиб ички ва халқаро миқёсда road show босқичи бошланди. Сентябрь ойининг охиридан октябр ойининг ўрталарига қадар банк маъсуллари қизил, кўк ва тўқ сариқ жомаларга бўлиниб road show жараёнини бошладилар. Хориждаги Road show 9 кун давом этди ва Осиё, Европа ва АҚШнинг 18 та муҳим шаҳарларини қамраб олди. 2006 йил октябр ойининг охирида банк бирламчи оммавий таклифни ўтказди ва 48,4 миллиард дона акцияни (жами акцияларнинг 18 фоизи) жойлаштирган ҳолда рекорд даражадаги 22 миллиард доллар (жаҳон тарихидаги энг йирик IPO) йиғди[10].


Акцияларни IPO га чиқариш орқали давлат улушини камайитириш банкга нафақат банк капиталини оширишга, шунингдек, банк фаолиятида мустақиллигини таъминлади. Бу банкнинг мамлакат ҳудудида ва чет элда замонавий фаолиятининг стратегиясини ишлаб чиқишга имкон яратди. Давлат улушини камайитириш жараёнида банк томонидан акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фаолият шаффофлигини ошириш, банк бошқаруви аъзолари ўртасида ваколатларнинг ҳамда жавобгарликнинг тўғри тақсимланиши, манфаатлар тўқнашувининг олди олиншини ва бартараф этилишини, миноритар акциядорлар манфаатларини амалга ошириш мақсадида банк бошқарувни трансформация қилиш самарали корпоратив бошқарувни ташкил этиш мақсади қўйилди. Банк корпоратив бошқарув тизими йиллар давомида такомиллаштирилиб келинмоқда.

Замонавий корпоратив бошқарув тизимини доимий равишда такомиллаштириш банкнинг асосий стратегик мақсадларидан бири бўлди. ICBC акциядорлаштириш ислохоти ва листингидан сўнг акциядорлар умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва


банк бошқарувидан иборат бўлган «учта йиғилиш ва бир даража» шиори остида замонавий корпоратив бошқарув тузилмасини шакллантирилди. Шу билан бирга, банк замонавий корпоратив бошқарув тизимини оптималлаштириш ва банк уставини ошириш, акциядорлар умумий йиғилиши, директорлар кенгаши ва кузатув кенгашини фаолият юритиш тартиби қоидаларини изчил шакллантириш орқали ахборотни ошкор қилишни бошқариш тизими ва механизмини такомиллаштиришни давом эттирмоқда. Сўнгги ўн йил ичида банк корпоратив

бошқарув соҳасида ажойиб ютуқларга эришди ва тартибга солувчи ва назорат органлари, капитал бозорлари ва жамоатчилик томонидан тўлиқ эътирофига сазовор бўлди.

Бугунги кунда банкда корпоратив бошқарув Континентал (инсайдерлик) модели ва Англо-саксон моделларининг ўзaro ҳамоханглашган шаклида тузилган бўлиб, акциядорлар умумий йиғилиши ва икки босқичдан (Two-tier Board System) иборат директорлар кенгашидан ташкил топган. (1-расмга қаранг).



1-расм. ICBC корпоратив бошқарув иерархияси.



2-расм. ICBC оддий акциялирига эгалик қилувчи акциядорлар таркиби[12].

Бугунги кунда банк оддий акциялирига эгалик қилувчи акциядорлар таркиби турли хил бўлиб асосан Хитой компаниялари ҳисобланади. (2-расмга қаранг).

Акциядорларнинг умумий йиғилиши — банкнинг олий бошқарув органи ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, бошқарув кенгаши ва кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ва лавозимдан озод этиш, банкни ривожлантириш стратегиясини, унинг инвестиция режаларини тасдиқлаш, бошқарув кенгаши ва кузатув кенгашининг ҳисоботларини, йиллик ҳисобот ва йиллик бюджетни қабул қилиш ва тасдиқлаш, фойдани тақсимлаш ва бошқа ваколатга эга. Бундан

ташқари, йиғилиш ваколатига устав капиталини ошириш, қимматли қоғозларини чиқариш, жамиятни қайта ташкил этиш ва унинг уставини ўзгартириш ваколати киради. Банкнинг жами овоз берувчи акцияларининг 5 фоиздан кўпроғига эгалик қилувчи бир ёки бир гуруҳ акциядорлар директорлар лавозимига номзодлар кўрсатиши, жами овоз берувчи акцияларининг 1 фоиздан кўпроғига эгалик қилувчи бир ёки бир гуруҳ акциядорлар мустақил директорлар лавозимига номзодлар кўрсатиши мумкин.

Кузатув кенгаши — акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланиб ва унга ҳисоб

берадиган, асосий вазифаси акциядорлар манфаатларини кўзлаб директорлар кенгаши ва банк бошқаруви фаолияти устидан назоратни амалга оширишдан иборат бўлган бирлик. Шунингдек, банкнинг молиявий фаолиятини, рискларни бошқариш ва рискларни назорат қилишни назорат қилади. Кузатув кенгаши учта аъзодан иборат бўлиб, ходимлар томонидан сайланган бир назоратчи ва иккита ташқи назоратчидан иборат.

Директорлар кенгаши — «Акциядорлик жамиятлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларининг бажарилиши учун масъул ва ҳисобот беради. Шу билан бирга, банк бошқарувини шакллантиришга маъсулдир. Айни пайтда Директорлар кенгаши 13 та аъзодан иборат бўлиб, 3 та ижрочи директор, 5 та ижрочи бўлмаган директор ва 5 та мустақил директор фаолият кўрсатмоқда. Банк директорлари ўзларининг тажрибалари, касбий малакалари билан бир-бирини тўлдирадilar ҳамда турлича фикр ва мулоҳазаларни билдирадilar, бу эса Директорлар кенгаши томонидан илмий қарорлар қабул қилинишини таъминлайди. Банк Директорлар кенгаши қошида Стратегия қўмитаси, Корпоратив ижтимоий масъулият ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Аудит қўмитаси, Рискларни бошқариш қўмитаси, Номзодлар комиссияси, Компенсация комиссияси каби қўмиталар фаолият кўрсатиб корпоратив бошқарув самарадорлигини

таъминлайди.

Шуни айтиш мумкинки, банкда ташкил этилган самарали корпоратив бошқарув кичик (миноритар) акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, банк фаолияти тўғрисидаги маълумотларининг шаффофлиги ошириш, ҳисоботларнинг халқаро стандартларидан фойдаланиш, самарали операцион ҳисобот тизими яратиш ва банк обрўси ошириш каби механизмлар орқали банк инвестицион жозибadorлигига ва акциялар баҳосига ижобий таъсир қилади. Корпоратив бошқарув акцияларнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш воситаси сифатида капитал жалб қилиш муаммосини ҳал қилишда улкан роль ўйнайди.

Шу ўринда банк акцияларини бир қисмини тўлиқ бир қисмини соташ бўйича IPO дан кейинги 5 йилдаги молиявий ва фаолият самарадорлиги кўрсаткичларини солиштирган ҳолда хусусийлаштириш жараёнига баҳо бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Банкнинг молиявий кўрсаткичлари 2007-2011 йиллар орасида ўсиш динамикасига эга булган. Хусусан банк активлари 2011 йилда 2007 йилга нисбатан 178 фоизга, мижозлар кредитлари 191 фоизга, мижозлар депозитлари 178 фоизга, банк капитали 176 фоизга ошган. Шунингдек, банк даромади 179 фоизга ошган бўлса, банк харажатлари деярли 158 фоизга ошган. Банк соф фойдаси 257 фоизга ошган (1-жадвалга қаранг).

1- жадвал.

ИСВСнинг 2007-2011 йиллардаги молиявий натижалари динамикаси бўйича маълумот[13].

Кўрсаткичлар / йиллар	2007	2008	2009	2010	2011
Жами активлар, млрд Юань	8 684	9 757	11 785	13 458	15 477
Мижозлар кредитлари, млрд Юань	4 073	4 572	5 728	6 790	7 789
Жами мажбуриятлар, млрд Юань	8 140	9 150	11 106	12 636	14 519
Депозитлар, млрд Юань	6 898,0	8 223,0	9 771,0	11 145,0	12 261,0
Жами капитал, млрд Юань	544,0	607,0	679,0	822,0	958,0
Даромад, млрд Юань	396,60	493,50	475,70	547,70	708,10
Фоизли даромадлар	357,3	440,8	405,8	462,7	589,5
Коммисион даромадлар	37,4	46,7	59,0	78,1	109,0
Бошқа даромадлар	1,9	6,0	10,9	6,9	9,6
Харажатлар, млрд Юань	315,40	382,70	346,30	381,70	499,70
Фоизли харажатлар	132,8	177,5	160,0	159,0	226,8
Коммисион харажатлар	3,0	2,7	3,9	5,2	7,5
Бошқа харажатлар	179,6	202,5	182,4	217,5	265,4
Соф фойда, млрд Юань	81,2	110,8	129,4	166,0	208,4

Банк фаолият самарадорлиги кўрсаткичлари ўзгариши динамикасида ҳам худди шундай тенденцияни кўришимиз мумкин. Бу ҳолат банкда давлат улушини камайиши жараёни банк фаолияти

учун жуда фойдали бўлганидан далолат бермоқда (2-жадвалга қаранг).

2- жадвал

ИСВСнинг 2007-2011 йиллардаги фаолият самарадорлиги кўрсаткичлари динамикаси бўйича маълумот [14].

Кўрсаткичлар / йиллар	2007	2008	2009	2010	2011
Фаолият рентабеллиги кўрсаткичлари динамикаси					
ROA	0,94%	1,20%	1,20%	1,32%	1,44%
ROE	14,9%	19,3%	20,1%	22,1%	23,4%
Кредит портфелининг рентабеллиги	9%	10,2%	7,9%	7,4%	8,1%
Фаолият самарадорлиги кўрсаткичлари динамикаси					
Банк активларини даромадлилиги	4,57%	5,06%	4,0%	4,1%	4,6%
Харажатлар ва даромадлар нисбати	79,5%	77,5%	72,8%	69,7%	70,6%
Даромадлилик	25,7%	29,0%	37,4%	43,5%	41,7%
Фаолият хавфсизлик кўрсаткичлари динамикаси					
Устав капитали, млрд Юань	334,0	334,0	334,0	349,0	349,0
Кредитларни депозитларга нисбати	59,0%	55,6%	58,6%	60,9%	63,5%
Активларни мажбуриятларга нисбати	106,7%	106,6%	106,1%	106,5%	106,6%
Акциялар бўйича кўрсаткичлар динамикаси					
Бир акция тўғри келадиган соф фойда, Юань	0,24	0,33	0,39	0,48	0,60
Бир акция тўланган дивидент, Юань	0,13	0,17	0,17	0,18	0,23
Акцилар нархи, Юань	5,35	7,72	3,50	5,34	4,28
P/E	22,29	23,39	8,97	11,13	7,13

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқотлар натижасида шуни таъкидлаш мумкинки, Хитойда хусусийлаштириш жараёни натижалари бўйича қўйидагиларни мамлакатимизда давлат улуши мавжуд йирик тижорат банкларни хусусийлаштириш жараёнида қўллаш мумкин деб ҳисоблаймиз:

Йирик давлат банклари томонидан давлат дастурларини қридитлаш сиёсатидан воз кечиб, тижорат асосида кредитлаш тизимини такомиллаштириш зарур;

банклар балансида бир неча йиллар давомида йиғилиб келаётган муаммоли активларни ислоҳ қилиш мақсадида активларни бошқарувчи компанияларни ташкил этиш ва банклардаги шу тоифадаги кредитларни маълум бир дисконт асосида ўтказиш;

банклар томонидан IPO ўтказиш жараёнини соддалаштириш мақсадида малакали хорижий мутахасисларни ва Credit Suisse, Deutsche Bank каби махсус глобал инвестиция банкларини таклиф этиш;

ички инвестиция муҳитини ривожлантириш, аҳолини банк тизимига бўлган ишончини ортириш, банк акцияларини аввало ички бозорда сотиш амалиётини йўлга қўйиш орқали миноритар акционерлар қатламини ташкил этиш;

банк фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг шаффофлиги ошириш, ҳисоботларнинг халқаро стандартларидан фойдаланиш, самарали операцион ҳисобот тизими яратиш ва банк обрўси ошириш каби механизмлар орқали банк инвестицион жозибадорлигига ва акциялар баҳосига ижобий таъсир қилиш;

банк кузатув кенгаши таркибига йирик иқтисодчи олимларни жалб қилиш орқали мустақил аъзолар салмоғини ошириш, корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириб бориш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. John Bonin, Iftekhar Hasan, Paul Wachtel, Privatization matters: bank efficiency in transition countries. // BOFIT Discussion Papers, No. 8/2004
2. www.forbes.ru/finansy-i-investicii/357027-konec-konkurencii-kak-rost-vliyaniya-gosudarstva-menyaet-rossiyskie
3. Приватизация в России и других странах СНГ: Сб. обзоров / отв. ред. В.А. Виноградов. М.: ИНИОН РАН, 2003. 272 cf
4. Ш.Бозаров Правовое обеспечение трансформации коммерческих банков в Республике Узбекистан. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. 8 жилд, 1-сон :Т.2023 йил-326
5. www.vsemirnyjbank.org/ru/ Список крупнейших банков мира
6. www.icbc-ltd.com
7. www.journal.tinkoff.ru/news/bank-of-china/
8. www.icbc-ltd.com/column/1438058326864052227.html
9. www.icbcme.ae/icbcltd
10. www.icbc-ltd.com
11. ICBC нинг 2007-2011 йил молиявий ҳисоботлари асосида тадқиқотчи томонидан тузилди.
12. www.v.icbc.com.cn/userfiles/Resources/ICBCLTD/download/2023/Q3Report20231027.pdf
- 13 ICBC нинг 2007-2011 йил молиявий ҳисоботлари асосида тадқиқотчи томонидан тузилди.
14. ICBC нинг 2007-2011 йил молиявий ҳисоботлари асосида тадқиқотчи томонидан тузилди.